

ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 15-СЕРИЯСИ

---

*Тараққиётнинг Мақосид ал-Шариаҳ  
тамойилларига асосланган Исломий қарашлари*

МУҲАММАД УМЕР ЧАПРА

---

**ТАРАҚҚИЁТНИНГ МАҚОСИД АЛ-ШАРИАХ  
ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН  
ИСЛОМИЙ ҚАРАШЛАРИ**

Муҳаммад Умер Чапра



Халқаро ислом тафаккури институти

*Бишкек 2023*

УДК 297  
ББК 86.38-6  
М 92

**Китоб ҳомийси:**  
**Халқаро ислом тафаккури институти**  
**Хердон Виржиния**  
**Билимлар интеграцияси институти**  
**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Муҳаммад Умер Чапра  
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Матеев Фархад: – Б.: 2023  
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасдиқланган № 146

**Тараққиётнинг Мақосид ал-Шариах тамойилларига асосланган Исломий қарашлари (Uzbek)**

*Муҳаммад Умер Чапра*

*ИИТ «Даврий бўлмаган нашраларнинг 15-серияси»*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)  
1445 АН / 2023 СЕ  
*Paperback* ISBN 978-9967-493-49-0

**The Islamic Vision of Development in the Light of Maqasid al-Shariah (Uzbek)**

*Muhammad Umer Chapra*

*ИИТ «Occasional Paper Series 15»*

© The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)

1429 АН / 2008 СЕ

*Paperback* ISBN: 987-1-56564-441-0

ИИТ

P.O.Box 669

Herdon, VA 20172, USA

www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган  
ISBN 978-9967-493-49-0

УДК 297  
ББК 86.38-6

## МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши</b>	5
● Муқаддима	6
● <i>Мақосид ал-Шариаҳ</i> (1-жадвал)	9
● Инсониятнинг Ўзлигини шакллантириш (нафс) (2-жадвал)	12
● Иймон онг, насл ва мулкни бойитиш	22
● Иймон (дин)ни мустаҳкамлаш (Дин) (3-жадвал)	27
● Давлатнинг тутган роли	34
● Онгни бойитиш (ақл) (4-жадвал)	35
● Авлодни бойитиш (насл) (5-жадвал)	40
● Мулкни ривожлантириш ва кенгайтириш (6-жадвал)	44
● Хотима	49
<i>Эслатма</i>	49
<i>Библиография</i>	57

*Доктор Чапра ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида котиб сифатида кўрсатган самарали ёрдамлари учун Шайх Муҳаммад Рашидга ўз миннатдорчилигини билдиради. Ушбу мақолада акс этган 7 жадвалнинг барчаси Шайх Муҳаммад Рашид томонидан тайёрланган. Шу билан бир қаторда М. Расул-ул-Ҳақуе, Номан Шариф, М. Фароқ Моинуддин, Муҳаммад Аюб ва М. Сажжадлар ҳам ушбу рисолага ёрдам берганлари учун мақтовга сазовордирлар. Шунингдек, профессор Аҳмад Кҳан, Абдул Ваҳоб Абу Сулаймон, Муҳаммад Боуджалол, доктор Жассер Ауда, 2 аноним ҳакамлар, доктор Сами Ал Суваилем ва Салман Сед Али ҳамда ушбу мақола тақдимотида иштирок этиб, фойдали фикр ва мулоҳаза билдирган барчага муаллиф ўз ташаккурини изҳор этади. Аммо, айтиб ўтиш жоизки, ушбу мақолада акс этган фикрлар ва қарашлар муаллифнинг шахсий қарашлари ва муаллиф фаолият юритган муассаса таъсири остида юзага келган эмас.*

## СЎЗ БОШИ

ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАФАККУРИ ИНСТИТУТИ (ХИТИ) *“Тараққиётнинг Мақосид ал-Шариаҳ тамойилларига асосланган Исломий қарашлари (Исломий қонунларнинг олий мақсад ва тамойиллари)”* деб номланган мақолани омма эътиборига тақдим этишдан бағоят мамнун. Ушбу мақола муаллифи Доктор Муҳаммад Умер Чапра иқтисодиёт соҳасида кўзга кўринган мутахассис ва машхур олим ҳисобланади.

Инглиз тилида чоп этилган *Мақосид ал-Шариаҳ* мавзусига оид китобларнинг етарли эмаслигини инобатга олган ҳолда Халқаро ислом тафаккури институти (ХИТИ) ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида *ал-Мақосид* мавзусига оид туркум китобларни таржима ва нашр этиш орқали ушбу мураккаб аммо муҳим ҳисобланган мавзуга оид фикр ва қарашларни Инглиз китобхонларига тақдим этиш ташаббуси билан чикди. Ушбу туркум Аҳмад ал Райсунининг *“Ибн Ашурнинг Мақосид ал-Шариаҳ ҳақида рисола”*, *“Имом ал-Шатибийнинг Олий мақсад назарияси ва Исломий қонун тамойиллари”* асарлари, Гамал Элдин Аттианинг *“Исломий қонуннинг олий мақсадларини амалга ошириш сари: Мақосид ал-Шариаҳга функционал ёндашув”* асари, Жассер Ауданинг *“Мақосид ал-Шариаҳ Ислом қонуни фалсафаси сифатида: Тизимли ёндашув”* асарларини ўз ичига олади.

Ушбу мавзу интеллектуал жиҳатдан мураккаб ва машаққатли бўлгани сабабли мавзуга оид мақола ва китоблар асосан олимлар, соҳа мутахассислари ва зиёлилар учун мўлжалланган ҳолда ёзилган ва чоп этилган бўлиб, ХИТИнинг Лондондаги филиали мавзуга оид кириш қўлланмалари ҳамда енгиллаштирилган мақолаларни ҳам туркум мақолаларнинг давомий бир қисми сифатида умумий ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқда. Муҳаммад Ҳашим Камалининг *“Соддалаштирилган Мақосид ал-Шариаҳ”* асари, Жассер Ауданинг *“Мақосид ал-Шариаҳ: Бошланғич қўлланма”* асарлари шулар жумласидандир.

*АНАС С. ШАИҲ-АЛИ*

*ИЛМИЙ ТАВСИЯЧИ, ХИТИ ЛОНДОН*

# *Тараққиётнинг Мақосид ал-Шариаҳ тамойилларига асосланган Исломий қарашлари*

## **КИРИШ**

Барча Исломий таълимотларнинг олий мақсади инсоният учун Яратганнинг марҳаматидир. Ва Пайғамбар (с.а.в)нинг бу дунёга юборилишининг асосий мақсади ҳам шу. (Қуръон, 21:107)<sup>1</sup> Бу мақсадни амалга оширишнинг асосий усулларидан бири ирқи, ранги, жинси ёки миллатидан қатъий назар, ер юзида яшовчи барча одамларнинг фалаҳ ёки ҳақиқий фаровонлигини тарғиб этишдир.<sup>2</sup> Фалаҳ сўзи ва унинг ҳосилалари Қуръоннинг 40 жойида тилга олинган. Фалаҳ сўзига маънодош ҳисобланган фавз сўзи ва унинг ҳосилалари эса 29 марта тилга олинган. Шу жумладан, муаззиннинг кун давомида 5 марта айтган азони ҳам Ислом оламида фалаҳнинг қанчалик муҳим тушунча эканлигини англатувчи омиллардан биридир.

Шу ўринда фаровонлик нафақат Исломнинг, балки барча жамиятларнинг асосий мақсади, деган фикр туғилиши табиий ҳол. Ва бу мутлақо тўғри. Шак-шубҳасиз, ер юзидаги барча жамиятларнинг тараққиётдан кўзлаган асосий мақсади инсон фаровонлигига йўналтирилган. Аммо, ҳақиқий фаровонлик аслида нималардан ташкил топганлиги ва уни амалга ошириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун қўлланилиши лозим бўлган стратегияларга оид қарашларда сезиларли фарқлар мавжуд. Агар барча динларнинг соф тамойиллари ўз жамиятлари дунёқарашида ҳукмронликни сақлаб қолганида, балки ушбу қарашлар орасида фарқ бўлмаган бўлар эди.<sup>3</sup> Бироқ, диний тамойиллар йиллар давомида ўз аслини йўқотган. Бундан ташқари XVI-XVII асрлардаги маърифатпарварлик ҳаракатлари ўзининг дунёвий ва материалистик мафқураси билан дунёдаги деярли барча жамиятларга турли даражада ўз таъсирини ўтказган. Натижада тараққиётнинг асосий ўлчови даромад ва бойликнинг

ўсишига айлана бошлади. Бу эса ўз ўрнида инсоннинг ҳақиқий фаровонлиги фақатгина даромад ва бойликнинг ўсиши билан вужудга келиши ҳамда инсоннинг фақатгина моддий эҳтиёжларини қондириш орқалигина вужудга келадими деган савол туғдиради. Такводор уламолар билан бир қаторда файласуфлар ва кўплаб замонавий зиёлилар фаровонликнинг даромад ва бойликнинг ўсиши билан боғлиқлик жиҳатига савол нуқтаи назари билан қарайдилар.<sup>4</sup> Улар фаровонликнинг моддийликдан йироқ ва руҳий тамойилларга асосланган жиҳатларини алоҳида тилга олганлар.

Иқтисодий тадқиқотларни фаровонликнинг моддий манбаларга асосланганлиги ҳақидаги фикрларни ҳам унинг руҳий ва моддийликдан йироқ бўлган асослари орқали рад этганлар.

Бунга асосий сабаб сифатида Иккинчи Жаҳон уруши даврларидаёқ баъзи давлатларнинг моддий даромади ва бойлиги кескин ошиб кетганлигига қарамасдан, аҳоли фаровонлиги ҳолати нафақат пасайган, балки бутунлай залолатга юз тутганлигини кўрсатиш мумкин.<sup>5</sup> Чунки бахтнинг юқори даромад билан ижобий боғлиқлик даражаси фақатгина барча биологик эҳтиёжларни қондириш билангина чегараланади.<sup>6</sup> Бундан ташқари, агар фаровонликни таъминлаш учун муҳим ҳисобланган бошқа эҳтиёжлар қондирилмас экан, у кўп ёки кам ҳолда ўзгаришсиз қолади.

Назарда тутилган ўша бошқа эҳтиёжлар аслида нималардан иборат? Уларнинг кўплаб қисми маънавий ва номоддий характерга эга бўлиб, даромаднинг ўсиши орқали юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланмайди. Айни дамда, хаёлни фақатгина бойлик билан банд қилиш ушбу эҳтиёжларни қондириш жараёнига зарар етказиши мумкин. Бироқ, иқтисодчилар одатда ушбу мавзуда баҳс юритишдан ўзларини олиб қочишади. Бунга асосий сабаб қилиб маънавий ва номоддий эҳтиёжларнинг қиймати-га доир баҳс-мунозаралар келтириб чиқиш билан бир қаторда маълум бир миқдорга эга эмаслигини кўрсатиш мумкин. Шунга қарамасдан бу эҳтиёжлар жуда муҳим ва эътибордан четда қолмаслиги шарт.



Инсоният фаровонлигига ишонч ҳосил қилишда асосий омил сифатида роль ўйновчи ҳамда даромад ва бойликнинг ўсиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган маънавий ва номоддий эҳтиёжлардан бири бу ички хотиржамлик ва бахт ҳисобланади. Бахт ва ички хотиржамлик кўплаб бошқа эҳтиёжларга бўлган қониқишни ўз ичига олади. Ушбу эҳтиёжлардан энг муҳимлари адолат ва инсоний биродарлик бўлиб, ирқи, ранги, ёши, жинси ва миллатидан қатъий назар барча шахсларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва уларга бир хил ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва тараққиёт мевалари ҳам биргаликда баҳам кўрилиши шарт, деган ғояни илгари суради. Нафақат адолатни рўёбга чиқариш, балки бошқа барча эҳтиёжларни қондиришда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтовчи маънавий ахлоқий юксалиш ҳам бирдек муҳим саналади. Шу билан бир қаторда барқарор фаровонликнинг муҳим ва умумэътироф этилган талабларига ҳаёт, мулк ва шон эркинлиги, маънавий ва моддий таълим, никоҳ, болаларни тўғри тарбиялаш, оила ва ижтимоий ҳамжиҳатлик, кескинлик, жиноят ва аномияни озайтиришни мисол қатори келтириш мумкин. Ушбу жиҳатларнинг қўпчилиги янги ривожланиш парадигмасида тан олинганлигига қарамасдан, уларнинг маънавий асосларига етарлича аҳамият қаратилмаётгани айтиш ҳақиқат. Юқорида тилга олинган барча эҳтиёжларга тўлиқ ҳолда қониқиш ҳосил қилинмас экан, жамиятдаги узоқ ва давомий ривожланишнинг юзага чиқиши амри маҳол.

Ислом ривожланиш йўли орқали даромад ва бойликнинг кўпайишини асосий эҳтиёжларни қондириш билан бир қаторда, даромадни адолатли тақсимлашни амалга оширишда зарур омил деб ҳисоблайди. Аммо бойлик ва унинг инсон фаровонлиги ҳақидаги ҳар томонлама тасаввурини фақат шу билангина чеклаб бўлмайди. Шу жумладан, маънавий ва номоддий эҳтиёжларни қондириш нафақат ҳақиқий фаровонликни йўлга қўйиш, балки узоқ муддатли иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ҳам зарур ҳисобланади. Агар ушбу эҳтиёжларнинг қондирилишига етарлича эътибор берилмаса, бу жамиятнинг фаровонлиги, ўзлиги ва цивилизациясининг таназулига олиб

келади. Юқорида таъкидланган барча эҳтиёжларнинг тўлақонли равишда қондирилиши инсониятнинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, Ислом адабиётида *Мақосид ал-Шариаҳ* (шариат мақсадлари) атамаси остида бирлаштирилган, кейинчалик *мақосид* номи билан юритилади. Ушбу мақола таъкидлаб ўтилган *мақосид*, ёхуд мақсадларнинг аслида нима эканлиги, уларнинг барчаси бир-бири билан қандай боғлиқлиги, кўрсатувчи таъсири ва уларнинг биргаликда инсониятнинг ҳақиқий фаровонлигини юксалтиришга қай йўл билан ўз хиссасини қўшиши мумкинлиги ҳақида сўз юритади.

### *Мақосид ал-Шариаҳ* (1-жадвал)

*Мақосид ал-Шариаҳ* Қуръон ва Суннатда тўғридан-тўғри ёки бир қанча уламолар томонидан уларнинг тафсири сифатида тилга олинган.<sup>7</sup> Буларнинг ҳаммаси, барча ҳуқуқшунослар томонидан тилга олинганидек, Шариатнинг пайдо бўлиш сабабларига йўналтирилган ҳолда, инсоният манфаатларига хизмат қилиш (*жалб ал масалиҳ*) ва уларнинг хавфдан нажот топиши (*даф ал мафасид*)га йўналтирилган.<sup>8</sup> Ҳижрий В асрнинг кўзга кўринган обрўли ислохотчиларидан бўлган Имом Абу Ҳамид ал-Ғаззолий (вафоти ҳиж. 505/мил.1111)<sup>9</sup> *мақосидни* бешта асосий тоифага ажратганини таъкидлаб ўтган.

*Шариатнинг асосий мақсади одамларнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлиб, уларнинг иймон (дин)ини, ўзлик (нафс)ини, тафаккур (ақл)ини, авлод (насл)и ва бойлик (мол)ини ҳимоя қилишдан иборат. Ушбу бешликнинг хавфсизлигини таъминловчи ҳар қандай унсур жамоат манфаатларига хизмат қилади ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир каторда, уларнинг хавфсизлигига путур етказувчи омиллар жамият манфаатларига зид ҳисобланиб, уларни жамиятдан олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.<sup>10</sup>*

Юқорида таъкидланганидек, Ғаззолий ушбу беш омил – иймон (*дин*) нафс (*нафс*), тафаккур (*ақл*), авлод (*насл*)ни сақлаб қолишга катта эътибор қаратган. Имом Абу Исҳоқ ал-Шатибий (вафоти ҳижрий 790/ милодий 1388) ҳам ал-Ғаззолий таъкидлаган ушбу жиҳатлар ҳақида салкам уч асрдан сўнг ўз фикрини ва тасдиғини ёзиб қолдирган. Бироқ, юқорида таъкидланган омиллар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва барча эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ягона *мақосидгина* бўлиб қолмай, бундан ташқари яна бир қанча Қуръон ва Суннатда таъкидлаб ўтилган *мақосидлар* мавжуд ва улар кўплаб уламолар томонидан эътироф этилган. Шунга қарамадан ушбу беш омил асосий (*ал-аслияҳ*), қолган барча омиллар унинг натижалари (*табаиаҳ*) деб юритилади. *Мақосиднинг* натижавий омилларини амалга ошириш ҳам асосий *мақосидни* амалга ошириш каби муҳим ҳисобланади, чунки натижаларсиз аслий *мақосидни* амалга ошириш мураккаб ёки мумкин эмас. Умумий фикр қоидалари шуни такозо этадики, ресурслар ҳам *мақосид* билан бир хил ҳуқуқий мақомга эга. Таниқли ҳуқуқий манба ҳисобланмиш ал қоида ал фикҳияда фарз бажарилмайдиган нарса ҳам вожибдир дея таъкидланади.<sup>11</sup> Баъзи ҳолатларда айрим натижавий *мақосидлар* бошқаларга нисбатан ўз қийматини йўқотгандек бўлиб кўриниши мумкин, аммо умумий олиб қаралганда уларни амалга оширмаслик жиддий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари натижавий *мақосидлар* вақт таъсири ортида кенгайиб ва ўзгариб бориши муқаррар. Қуръон ва Суннатдан мерос бўлиб қолган бой ва динамик таълимотлар бизга барча инсон ҳуқуқлари муносиб тарзда ҳурмат қилиниши ва инсоннинг барча турдаги эҳтиёжлари етарлича қондирилишини таъминлаш учун зарур бўлган қарама-қаршиликларни кенгайтириш ва такомиллаштириш имконини бермоғи лозим.


Бундан ташқари, агар биз жамиятнинг барқарор ривожланишини ва фаровонлигини таъминлашни хоҳласак, юқоридаги иқтибосда ал-Ғаззолий томонидан қўлланган *ҳимоя* сўзи фақатгина жорий вазиятгагина эмас, *мақосиднинг* англаб етилишига

қаратилганини кўришимиз мумкин. Биз фақатгина тўлақонли эришган нарсаларимизнигина ҳимоя қиламиз. Аммо бу инсоният учун иложсиздир, чунки юксалиш ва ривожланиш учун ҳар доим имкон топилади. Тарихнинг ҳукми шундан иборатки, агар ижобий тарафга йўналтирилган доимий ҳаракат бўлмас экан, жамият фаровонлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишнинг ҳам иложи бўлмайди. Охир-оқибатда юзага келган турғунлик залолатга етаклайди.

Ҳинд-Покистон субконтинентининг шоир ва файласуфи бу ҳақида шундай ёзади: “Токи ҳаракатда эканман мен борман, ҳаракатсиз мен мен эмасман”.<sup>12</sup> Шундай экан, асосий *мақосидлар* билан бир қаторда уларнинг натижаларини ҳам шундай бойитиб боришга интилиш керакки, шундагина фаровонлик доимо яхшиланиб бораверади. Нафақат одамларнинг, балки жамият ва инсониятнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва муҳитини ҳисобга олган ҳолда барча учун бирдек порлоқ келажак томон интилмоқ керак. Бу каби юксак мақсадларга эришмоқ учун фақатгина классик фуқаронинг ўзигагина боғланиб қолиш камлик қилади. Вақт ўзгариб боргани сабабли талаб ва эҳтиёжлар ҳам биргалликда ўзгариб, кўпайиб бормоқда. Айни шу сабаб туфайли ҳам *мақосид* масаласида ҳозирги вақт масалалари асносида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ал-Ғаззолий томонидан тилга олинган беш бирламчи *мақосид* бошқа олимлар томонидан ҳам мақулланган бўлишига қарамадан, уларнинг кетма-кетлигига риоя қилинмаган. Ҳатто ал-Шатибий ҳам ал-Ғаззолий яратган кетма-кетлик бўйича иш тутмаган.<sup>13</sup> Бунга кетма-кетлик, асосан, муҳокаманинг табиати-га боғлиқлиги сабаб бўлади.<sup>14</sup> Масалан, таниқли ҳуқуқшунос Фаҳр ал-Дин ал-Розий (вафоти ҳижрий 606/милодий 1209), ал-Ғаззолийдан тахминан юз йил кейин ўз асарларида инсон ўзлиги (нафс)ни биринчи ўринда тилга олган.<sup>15</sup> Бу инсониятнинг ер юзида Худонинг халифалари ёки ноиблари сифатида барқарор ривожланибгина қолмай, ривожланиш воситаси сифатида ҳам роль ўйнаши каби ҳолатларни муҳокама қилишда мантикийроқ кўринади. Улар ўз тараққиёти, ёйинки таназзу-

лининг меъморлари сифатида Куръонда қайд этилиб шундай дейилган: “Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунча, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас”. (13:11) Шариат инсониятнинг ўз-ўзини ислоҳ қилиш билан бир қаторда уларга таъсир кўрсатувчи омилларга ҳам ёрдам бериш ғоясини илгари суради. Шундай экан, агар биз нафсни бирламчи деб ҳисоблайдиган бўлсак, *Мақосид ал-Шариаҳ* биринчи жадвалда кўрсатилганидек ҳолатга келади.



*Жадвал 1. Мақосид ал-Шариаҳ. Инсон тараққиёти ва фаровонлиги инсонларнинг 5 асосий тамойилга амал қилиш асосида.*


### *Инсоният ўзлиги (нафс)нинг жонлантирилиши (2-жадвал)*

Инсоният нафсининг жонлаштирилиши шариатнинг бирламчи беш омилларидан бири бўлганлиги сабабли, унинг қандай амалга оширилишини кўрсатиб бериш лозим. Бунинг учун нафақат инсониятнинг асосий эҳтиёжларини қондириш ҳамда тараққиёт ва фаровонликнинг давомийлигини таъминлаш, балки уларнинг Аллоҳнинг халифалари сифатида ўз вазифаларини ўташларига муҳит яратишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Нафсни кучайтиришга хизмат қилувчи ва бирламчи мақсадларнинг натижалари ҳисобланмиш ушбу эҳтиёжлар Қуръон ёки Суннатда шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдин маълум қилинган ёки ҳуқуқшуносларнинг баҳс-мунозаралари натижаси ўлароқ ишлаб чиқилган. Ва уларнинг тўлақонлигича қондирилишига ишонч ҳосил қилиш нафақат бугунги, балки келажак авлодларнинг ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишига ҳамда барқарор фаровонликни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Улуғворлик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, инсоний биродарлик ва ижтимоий тенглик ушбу юқорида таъкидланган эҳтиёжларнинг энг муҳимлари саналади. (2-жадвал) Исломий қарашлар шуни тақозо этадики, инсоннинг ўзига хос табиати (фитрат), токи тўғри йўлдан адаштирилмас экан, яхши ва ҳар қандай руҳий оқимлардан ҳоли бўлади. (Қуръон, 30:30 ва 95:4) Асл табиати (*фитрати*) ва эзгулигини сақлаб қолиш инсониятнинг азалий бурчи ҳисобланади. Бундан ташқари бу оламнинг яратгувчиси ва эгаси ҳисобланмиш зот ҳам инсонларни ирқи, ранги, жинси ва ёшидан қатъий назар улуғлаган ҳолда Қуръонда бундай дейди: “Биз одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик”. (Қуръон, 17:70) Бу азизу мукаррамлик инсонларнинг Аллоҳнинг ердаги халифалари қилиб қўйилганида ҳам ўз тасдиғини топади. (Қуръон, 2:30) Инсоният учун буюк Яратгувчининг ўринбосарлари бўлишдан шарафлироқ яна нима бўлиши мумкин? Бутун инсоният бирдек Аллоҳнинг халифалари бўлганидек, улар бир-бирларига бирдек биродар ҳисобланишади. Шу сабабдан улар ўртасида ўзаро тинчлик-тотувлик, бағрикенглик ва ғамхўрликни юзага чиқариш Аллоҳ томонидан уларга ишониб топширилган вазифа ҳисобланади. (57:7) Шу жумладан, атроф-муҳит, ҳайвонлар, қушлар ҳашаротлар ҳам ишониб топширилган манбалардан бўлиб, ҳеч қандай зарар етказилмаслиги, ҳозирги ва келаси авлод учун асраб-авайланиши шарт.

Ислом дини ҳеч қачон инсониятни “гуноҳкор бўлиб туғилган” деб ҳисобламайди. “Гуноҳкор бўлиб туғилиш” ғояси инсоннинг улуғлигига мос келмайдиган тушунча бўлиш билан бир қаторда, исломий қарашлар учун бутунлай ёд тушунча ҳисобланади. Нега энди энг Буюк ва Энг раҳмли зот “гуноҳкор



Жадвал 2

бўлиб” туғилувчиларни яратади ва уларни қилмаган айблари учун айбдор деб билади?

Гуноҳнинг асл ғояси шундан келиб чиқадики, гуноҳ наслдан наслга ўтувчи ҳисобланиб инсоният дунёга келган пайтидан бошлаб бошқаларнинг гуноҳларини бўйнига олади. Бундан ташқари, агар “қутқарувчи” унинг қўл урмаган “асл гуноҳлари”ни “ювиш” учун келар экан, нега энди ер юзидаги биринчи инсон сифатида эмас, аксинча бунчалик кеч дунёга келган. Агар инсоният гуноҳкор бўлиб туғилган бўлса, амаллари учун қандай қилиб жавобгар бўлиши мумкин?

“Асл гуноҳлар” тушунчаси Қуръонда келтирилган инсоннинг амаллари учун жавобгарлиги тушунчаси билан кучли зиддиятларга эга. (Қуръон, 6:164, 17:15, 35:18, 39:7 ва 53:38) Шу билан бир қаторда бу Аллоҳнинг мусулмонлар умри давомида энг кўп такрорловчи ал-Роҳман ва ал-Роҳийм (энг меҳрибон ва энг раҳмли) сифатларига ҳам зид ҳисобланади. Инсон тасаввурига сиғдира оладиган барча яхши сифатлар эгаси бўлган Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг бундай йўл тутиши эҳтимолдан йироқ. Ҳатто ўн тўққизинчи асрнинг рационалистлари ва романтиклари ҳам деярли барча замонавий файласуфлар каби инсон табиатига хос нуқсон (асл гуноҳ) тушунчасини рад этганлари ажабланарли эмас.

Шу жумладан, маърифатчилик ҳаракати таъсирида Ғарб файласуфлари томонидан яратилган детерминизм ва экзистенциализм тушунчалари ҳам Исломга бегонадир. Ислом инсон ҳаётининг моддий (Маркс), психологик (Фройд), инстинктив (Лоренс), ёки муҳит (Павлов, Вацон, Скиннер ва бошқалар) каби кучлар таъсирида баҳоланишига қарши.<sup>17</sup> Детерминизм ва инсон масъулиятларини бир-бири билан боғлаб бўлмайди. Детерминизм нафақат инсон улуғворлигига путур етказди, шу билан бир қаторда мавжуд шароитлар, ресурслардан самарасиз ва адолатсиз фойдаланиш учун инсон жавобгарлигини инкор этади.<sup>18</sup>

Детерминизмнинг яна бир бошқа экстрими ҳисобланган Сартр экзистенциализми ҳам Ислом учун ёт тушунча ҳи-



собланади.<sup>19</sup> Сартр назариясига кўра инсоният “озодликка ҳукм қилинган”. Ушбу назарияда озодликни тўхтатишдан бошқа ҳар қандай ҳолатда озод бўлиб, озодликнинг ҳеч қандай чегараси йўқ.<sup>20</sup> Инсониятнинг маънавий ҳаётидаги ҳар бир жиҳат ихтиёрий, танланган ва унинг масъулияти ҳисобланади. Айнан шу жиҳат шак-шубҳасиз детерминизмдан кўра юқори поғоналарда ривожланишнинг исботидир. Лекин шунга қарамасдан Сартр учун озодлик тушунчаси абсолют тушунча бўлиб, ҳамма нарсага руҳсат берилган. Инсониятнинг ҳаёти давомида ҳал қилувчи асосий мақсад ёки мазмун йўқ. Алоҳида аҳамият касб этувчи ёки умумий мақсадлар, Яратганнинг қонун-қоидалари, Платоник тамойиллар (ҳар бир нарсанинг келиб чиқиш манбаи бўлиши кераклиги ҳақида) ва бошқа ҳар қандай қонун-қоидалар борлигини инкор этади. Гўёки ер юзидаги барча инсоният ўзлари ҳақида қайғуришга “бефарқ” ёки “такиқлаб” қўйилгандек.

Қадриятларнинг ягона асоси инсон эркинлигидир ва ҳеч ким танлаган қадриятларни ташқи ёки объектив асослаб беролмайди.<sup>21</sup> Келишилган қадриятларга эга бўлиш ва шахсий ҳамда ижтимоий манфаатлар ўртасида уйғунликни яратиш учун шахс эркинлигига чекловлар қўйиш ёки бозор кучлари томонидан автоматик равишда амалга оширилмайдиган ресурсларни самарали ва адолатли тақсимлаш ва тақсимлашга олиб келиши ҳақида баҳс ва мунозараларга ўрин йўқ. Озодликнинг бу каби абсолют тушунчалари фақатгина бефарқлик ва қадриятларнинг қадрсизланишига олиб келади. Озодлик билан бир қаторда умумий фаровонлик ҳам ҳар бир инсон учун алоҳида ва муҳокама қилинувчи тушунча эмас. Шу билан бир қаторда бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва фаровонлигига зиён етказмаслик учун ижтимоий жиҳатдан мақулланган кўплаб қонунлар ва чекловлар жорий этилган. Шу ўринда бу қонун-қоидаларни ким таъсис қилганлиги тўғрисида савол туғилади. Ва бу савол инсоннинг асосий 5 эҳтиёжи асосида муҳокама қилинади.

Инсониятнинг иккинчи асосий эҳтиёжи бу адолатдир.<sup>22</sup> Инсоний улуғворлик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, биродарлик,

ижтимоий тенглик ва фаровонликдан кўзланган мақсадлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар билан мустаҳкамланмаса, ҳеч қандай мазмунга эга бўлмаган ичи бўш тушунчалар бўлиб қолаверади. Шу ўринда Қуръон адолатни Исломга бўлган иймон доирасида “тақвога энг яқин” (5:8) ўринга қўяди. Тақво барча ҳаққоний ҳаракатлар, шу жумладан, адолат учун ҳам асосий таянч вазифасини ўтайди. Адолатни юзага чиқариш Аллоҳнинг элчилари бўлмиш Пайғамбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлган. (Қуръон, 57:25) Қуръон, “Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар. Ана ўшаларга хотиржамлик, омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир”, дейиш орқали адолатсиз тинчликка эришиб бўлмаслигини яққол таъкидлаган.<sup>23</sup> Адолатсизлик, шак-шубҳасиз, бахтсизлик ва фаро-мушликка олиб келади.

Пайғамбаримиз ҳам адолатсизликни жуда таъсирчан сўзлар билан қоралайди. У адолатнинг йўқлигини “Ҳисоб кунидаги зулмат”га тенглаштирган.<sup>24</sup> Ҳисоб кунидаги зулмат бизнинг бу дунёда қилган адолатсизлик (зулм)нинг аксидан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу зулмат тинчлик, барқарор ривожланиш ва ижтимоий бирдамликни амалга оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни йўққа чиқариши ва охир-оқибат норозилик, кескинлик, можаро ва таназзулга олиб келиши мумкин. Демак, адолатсизлик ва Ислом бир-бирига қарама-қаршидир ва иккаласининг бирортаси иккинчисининг илдизини қуритмасдан ёки заифлаштирмасдан юксала олмайди. Зулм (адолатсизлик) тенгсизликнинг барча турлари, адолатсизлик, эксплуатация, зулм ва ҳуқуқбузарлик, кишининг бошқалар кўнглига озор бериши, уларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиши ва улар олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслиги каби ҳолатларни ифодаловчи Исломиё атама ҳисобланади.<sup>25</sup> Қуръон ва Суннатнинг адолатга бўлган урғуси деярли барча мумтоз мусулмон олимларининг асарларида ўз аксини топган. Масалан, ал-Мавридий (вафоти ҳижрий 450/мил.1058)нинг таъкидлашича, кенг қамровли адолат “ўзаро меҳр- муҳаббатни ва унинг меъёрларга риоя қилишни, мамлакат тараққиётини, бойликни кўпай-

тиришни, насл-насабни кўпайтиришни, тузум хавфсизлигини таъминлайди” ҳамда “дунёни ва одамлар виждонини бузишда адолатсизликдан тезроқ ҳеч нарса йўқ”.<sup>26</sup> Ибн Таймия (вафоти ҳижрий 728/ мил.1328): “Ҳамма нарсага ва ҳамма инсонга нисбатан адолат ҳар кимга фарздир, зулм эса ҳамма нарсага ва ҳамма инсонга харомдир. Муслмонгами, ғайримусулмонга, ҳатто золимга бўлишидан қатъий назар, зулм мутлақо жоиз эмас”,<sup>27</sup> дея таъкидлайди. У ўз даврида ҳукмрон бўлган қуйидаги нақлни ғайрат билан қўллаб-қувватлади: “Худо адолатли давлатни кофир бўлса ҳам қўллаб-қувватлайди, лекин агар иймон келтирган бўлса ҳам, золим давлатни қўллаб-қувватламайди”.<sup>28</sup> Шу каби Ибн-Ҳолидун ҳам адолатсиз давлатнинг юксалиши мумкин эмас, дея фикр билдирган.<sup>29</sup>

Бироқ, жамиятнинг барча аъзолари томонидан муайян хатти-ҳаракатлар қоидаларига содиқлик ва адолат билан билан риоя қилинмас экан, адолатни таъминлаш иложсиз бўлиб қолаверади. Бу қоидалар диний дунёқарашлар ва Интуитив иқтисодий институтлар орасида ахлоқий қадриятлар деб аталади ва улар қуйидагилардан иборат: ҳалоллик, адолатлилик, аниқлик, виждонлилик, меҳнасеварлик, ўзига ишониш, бағрикенглик, камтарлик, тежамкорлик, ҳурмат ота-оналар, ўқитувчилар ва кексалар, камбағалларга ҳамдардлик ва ғамхўрлик, ногиронлар ва кам таъминланганлар каби бошқаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида қайғуриш. Улар нафақат маълум бир жамият балки бутун дунёдаги инсонлар учун бирдек амал қилади. Бу қадриятларга содиқлик билан риоя қилиш одамлар ўртасида ўзаро ишонч ва самимий муносабатларни ўрнатишга, уларни ўзаро мажбуриятларини бажаришга, бир-бирларига ёрдам беришга ундаши, бу орқали оила ва ижтимоий ҳамжихатлик, бағрикенглик ва тинч-тотув яшашни рағбатлантириш, аномалия тарқалишининг олдини олиш имконини беради.<sup>30</sup> Бу самарадорлик ва тенгликни таъминлаш ва натижада жадал ривожланиш ва инсон фаровонлигини ошириш учун зарур бўлган ижтимоий капиталнинг кўпайишига олиб келади. Демак, ахлоқий юксалиш, агар ҳамманинг фаровонлиги рўёбга чиқса

ва Исломиёй қарашлар рўёбга чиқса, инсон шахсиятининг учинчи жиддий эҳтиёжидир. Ахлоқий қадриятларда мустаҳкамланган хулқ-атворнинг барча қоидаларига содиқлик билан риоя қилиш, эътиқодни мустаҳкамлашнинг иккинчи асосий мақсади остида муҳокама қилинадиган қулай дунёқарашни талаб қиладиган тўғри рағбатлантириш тизимисиз мумкин эмас.

Исломиёй дунёқарашлар ва унинг қадриятлари инсон шахсиятининг тўртинчи асосий эҳтиёжи ҳисобланган инсон ҳаёти шаъни ва мулки хавфсизлигига ҳам йўналтирилган. Куръон асоссиз ҳолда бир кишини ўлдиришни (у мусулмон ёки мусулмон эмаслигидан қатъий назар) бутун инсониятни ўлдириш билан ва бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишни бутун инсониятнинг ҳаётини сақлаб қолиш билан тенглаштирган. (5:32) Исломининг Мусулмон бўлмаган инсонлар ҳаёти ҳам Мусулмонлар билан бир хил ўрин тутмас экан, бу ҳолатни инсоният орасидаги биродарлик қадриятлари ўз маъносини йўқотишига ишора қилаётгани сифатида кўриш мумкин. Расулulloҳ с.а.в. видолашув ҳажларида қилган хитобларида ҳам шундай марҳамат қилганлар: “Бу ойингизда, мана шу шахрингизда жонингиз, молингиз ва номусингиз ҳам худди шу кунингиз (Ҳаж) каби муқаддасдир”.<sup>31</sup> Исломда Ҳаж энг юқори даражада муқаддас бўлганидек, ҳар бир инсоннинг ҳаёти, мулки ва шон-шухрати ҳам бир хил даражада муқаддасдир.

Инсоннинг бешинчи эҳтиёжи бу шахсий эркинликдир. Эркинлик инсон хулқ-атворининг ривожланишида ажралмас ўринга эга ҳисобланади. Усиз инсонда фаровонлик ва тараққиёт йўлида хизмат қилувчи омиллар бўлмиш яратувчанлик ва ижодкорликка йўналтирилган ҳаракат ва шижоат сўна бошлайди. Инсонлар Аллоҳнинг халифалари сифатида Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга бош эгмайдилар. Шу қаторда Муҳаммад с.а.в. нинг энг асосий вазифаларидан бири ҳам Инсоният елкасидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечишдан иборат эди. (Куръон, 7:157) Ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай турдаги инсонлар устидан ҳукм ўтказишга ҳаракат қилиш Ислом таълимотига бегонадир. Том

маънода ҳеч ким, ҳаттоки ҳокимият ҳам Инсоният эркини тортиб олиб уни қулликка ёки мажбурий иш фаолиятига сафарбар этишга ҳақли эмас. Бу иккинчи халифа Умарни: “Одамларни оналари озод бўлиб дунёга келтирган ҳолда қачондан бери қул қилиб юрибсизлар?”– деб сўрашига ундаган таълимотдир.

Шунга қарамасдан Аллоҳнинг халифалари сифатида инсоният Сартрнинг экзистенциализми таълимотларидагидек бутунлай эркин эмаслар. Уларнинг эркинликлари нафақат ўзларининг, балки Аллоҳ яратган бошқа маҳлуқотларининг ҳам фаровонлигига путур етказмаслик мақсадида чегараланган. Фаришталар Инсониятни Аллоҳнинг ердаги халифалари сифатида эркин юришлари ҳақида эшитганларида, улар Инсонни ер юзида фиску-фасод қилиб, қон тўкадиган ҳолатда бўлади, деб ўйлашди. (Қуръон, 2:30) Уларнинг бундай хулоса қилишларига балки Аллоҳ инсонга фаришталарнинг фикрларига зид ҳолатда ҳаёт кечиришларига кўмак бўлиши учун эркинликдан ташқари яна уч ҳислатни инъом этганини билмаганликлари сабаб бўлгандир.

Ўша уч ҳислатнинг биринчиси, уларнинг виждонидир, бу эса Аллоҳ уларни яратган ҳақиқий табиати (*фитрати*)ни акс эттиради. (Қуръон, 30:30) Агар Фитрат яхши сақланмаса, инсоният “энг чуқур тублик (*асфаласофилин*)”га равона бўлишлари мумкин (Қуръон, 95:5) Бундай йиқилишдан сақланиш учун Худонинг Ўзи уларга иккинчи қимматбаҳо бойликни берди, бу Ўзининг Пайғамбарлари занжири орқали тарихнинг турли даврларида барча инсонлар ва халқларга юборилган ҳидоятдир. Ушбу ҳидоятдан мақсад, уларга бу дунёда ўз ишларини, Аллоҳ таолонинг халифалари сифатидаги вазифаларига мувофиқ равишда барчанинг фаровонлигини таъминлашга ёрдам берадиган тарзда бажаришга кўмаклашишдир.<sup>33</sup> Ва албатта уларнинг эркинликлари Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳидоят чегаралари билан чегаралаб қўйилган.

Аллоҳ инсонларга тақдим этган учинчи неъмат зехн ҳисобланади. Агар ўз виждони насиҳатлари ҳамда илоҳий ҳидоят нурида фойдаланилса, бу уларга ўз эркинликларидан оқилона

фойдаланиб, Ислом динининг қарашларини рўёбга чиқаришга, Ислом оламида энг оғир жиноятлардан бўлган бузғунчилик ва қон тўкмасликка ёрдам беради.

Шунингдек, бу бизни инсоният хулқ-атворининг олтинчи эҳтиёжи бўлган юқори сифатли таълим орқали унинг зехнини бойитиш. Таълимдан икки хил мақсад кўзда тутилмоғи керак. Аввало, жамият аъзоларини Ислом динининг дунёқараши ва ахлоқий қадриятлари ҳамда бу дунёда Аллоҳнинг халифалари сифатидаги вазифаси ҳақида маълумот бериши керак. Иккинчидан, улар нафақат сидқидилдан ва виждонан меҳнат қилиб юксалибгина қолмай, балки жамиятнинг билим ва технологик базасини кенгайтириш имконини яратишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшимоғи керак. Уларнинг билим ва технологик базасини маънавий юксалтирмасдан, кенгайтирмасдан туриб, ақл-заковатни бойитиб, унинг тараққиётни жадаллаштириш ва барқарорлаштириш мақсадига бой ҳисса қўшишига имкон яратиб бўлмайди. Шунинг учун Қуръон ва Суннатда таълим-тарбияга катта эътибор берилган, бу ҳақда кейинроқ шариатнинг учинчи асосий мақсади бўлган ақлни бойитиш ҳақида сўз боради.

Кейинчалик Иймон тамойили остида ҳам сўз юритилувчи яхши ҳокимият инсон хулқ-атворларининг ўзаро боғлиқ бўлган еттинчи омил ҳисобланади. Сиёсий турғунлик ва яхши иш юритувчи ҳокимиятсиз жамиятнинг ўз-ўзини бошқаришини йўлга солиш учун таъсис этилган қоидаларни йўлга қўйиш мураккаб кечиши турган гап. Бундай ҳолда, қоидабузарликлар ўз-ўзини мустаҳкамловчи ва оператив йўлларни қўллаш орқали тарқалиб кетиши мумкин.<sup>34</sup> Шунда коррупция, самарасизлик ва бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида қайғурмаслик пайдо бўлади. Шу сабабдан Мусулмон тарихида яхши давлат бошқаруви деярли ҳар бир замонда олимлар, шу жумладан, Абу Юсуф, ал-Мавардий, Ибн Таймийя ва Ибн Халдун томонидан юқори баҳолашиб келган. Мусулмонларнинг таназзулга учрашининг асосий сабабларидан бири, одатда, сўнгги бир неча асрларда яхши бошқарувнинг йўқлиги деб тушунилади.<sup>35</sup>

Ислоннинг инсон қадр-қиммати, адолат ва биродарликка интилиши мантиқан саккизинчи шартга олиб келади, яъни қашшоқликни йўқ қилиш ва инсоннинг барча асосий эҳтиёжларини қондиришдир. Қашшоқлик қобилиятсизлик, ночорлик ва бошқаларга қарамликка олиб келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлаганларидек қашшоқлик “инсонни иймонсизликка олиб келади”.<sup>36</sup> Шунга кўра қашшоқлик Ислон таълимотининг ажралмас қисмига айланган инсоний улуғворликка бутунлай зид тушунча. Аммо, инсоният ихтиёридаги барча ресурслардан самарали ва адолатли фойдаланмасдан туриб, қашшоқликни бартараф этиш имкони йўқ. Бу ресурсларнинг барчаси, юқорида айтиб ўтилганидек, Аллоҳнинг омонатидир ва бу омонатнинг шартларидан бири шундаки, улардан ҳамманинг эҳтиёжлари қондириладиган даражада масъулиятли тарзда фойдаланиш керак.

Демак, қашшоқликни бартараф этиш ва жамиятдаги барча шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш мусулмонлар тарихи давомида фикҳ ва бошқа Ислон адабиётида муҳим ўрин тутган. Ҳуқуқшунослар бир овоздан камбағалларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириши Ислон ҳамжамиятининг асосий фарз амаллари (*Фарз кифоя*)дан биридир, деган фикр билдирадлар.<sup>37</sup> Дарҳақиқат Шотибийнинг фикрича, жамиятнинг асл моҳияти ҳам айнан шу ерда. Барча замондош олимлар, шу жумладан, Мавлоно Мавдудий, Имом Ҳасан ал-Банна, Саййид Қутуб, Мустаф ал-Сибабий, Абу Заҳро, Бақир ал-Садр, Муҳаммад ал-Муборак ва Юсуф ал-Қорадошийлар ҳам бир овоздан бу фикрни мақуллаганлар.

Бу бизни эҳтиёж аслида нималардан иборат, уни қандай қилиб қондириш индивидуал ёки ижтимоий мажбуриятга айланган деган саволларга рўбарў қилади. Ушбу эҳтиёжлар фуқаҳолар томонидан учта гуруҳга ажратилган. Булар эҳтиёжлар (*зарурийят*), қулайликлар (*ҳажийят*) ва мақтовлар. (*тахсинийят*) Буларнинг барчаси фуқаҳолар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, инсон фаровонлигида маълум бир эҳтиёжни қондириш, қийинчиликларни камайтириш ёки руҳий хотиржамлик

ва бахтни юзага чиқариш орқали ривожланишни ташкил қилувчи нарса ва хизматлар бўлиши керак.<sup>38</sup> “Ҳашаматли нарса”лар ушбу рўйхатдан четлатилган бунга асосий сабаб уларнинг инсоният фаровонлигини ривожлантиришга ҳеч қандай алоқаси йўқлигида.<sup>39</sup> Ва бу каби нарсалар ва хизматларни фуқоҳолар заруратдан ташқарида ва ўзбошимчалик ва исрофгарчилик деб ҳисоблаб қаттиқ қоралаганлар.<sup>40</sup>

Шуни ёдда тутиш жоизки, Ислом монастизм ғояларига, тарки дунё қилишга ва ўз-ўзидан воз кечиш тамойилларига мутлақо қарши (Қуръон, 57:27) ва барча турдаги маҳсулот ва хизматлар юқорида айтиб ўтилган учта гуруҳдан четга чиқмаслиги керак. Ислом инсонга ўзининг самарадорлиги ва фаровонлигини ошириш йўлида барча эҳтиёж (эҳтиёж ҳамда зарурият) ларини қондиришга рухсат беради. Шу билан бир қаторда ушбу гуруҳлардаги маҳсулот ва хизматлар Мусулмон жамиятида белгиланган яшаш даражасига мос келиши керак. Шунга кўра эҳтиёжлар нуқтаи назаридан олиб қаралганда улар вақт ўтиб боргани сайин, технологик ривожланишлар, бойлик ва турмуш даражасининг ошиши каби ҳолатларда ҳам ўзаро мос келмоғи керак. Дарҳақиқат, аксарият мусулмон мамлакатлари бугунги кунда биринчи мусулмон жамиятларида мумкин бўлган нарсадан кўра бойроқ ва эҳтиёжларни қондиришнинг юқори стандартига эга. Ҳамда эҳтиёжлар вақт ўтгани сари ўз ҳолатини ўзгартирмай қолмайди. Пайғамбаримиз с.а.в даврларида ҳаттоки мавжуд бўлган нарсалар ҳозирги кунда эҳтиёжлар қаторидан жой олмоқда. Шунга қарамаздан улар ижтимоий ҳамжиҳатлик ва исломий биродарликка путур етказувчи омил бўлган кибрга сабаб бўлмаслиги лозим. Бундан мақсад мусулмон жамиятларида монотон бир хиллик ва бемаънилик яратиш бўлмаслиги керак. Оддийликка ижобий ва хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳаёт тарзи орқали эришиш мумкин.

Тиланчилик инсон улуғворлигига путур етказгани боис Исломда ҳам қаттиқ қораланади<sup>41</sup>, инсон хулқ-атворининг муҳим тамойилларидан тўққизинчиси инсон ҳаёти давомида дуч келувчи эҳтиёж ва заруратлари инсоннинг улуғворлигига путур



етказмаган ҳолда ўз саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилиши керак. Шунингдек, ҳар бир Мусулмон учун ўзи ва оиласи эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаш фарз (*фарз айн*) ҳисобланади.<sup>42</sup> Пайғамбаримиз с.а.в ҳам мусулмонларни ҳурматга лойиқ ҳаёт кечиришлари учун касб-хунар эгаллашга буюрганлар.<sup>43</sup>

Ҳуқуқшунослар шуни таъкидлайдиларки, ўз кучи билан ўз эҳтиёжларини қондириш фарзини адо этолмаган Мусулмон ўз танаси ва онгини бошқарган ҳолда соғлиқ ва самарадорликка эришиши ва Аллоҳнинг ердаги халифаси сифатидаги вазифаларини ҳам бажаришга қодир бўлмаслиги мумкин.<sup>44</sup>

Шу билан бир қаторда Мусулмонлар иқтисодни ҳар бир инсон ўз кучи ва ҳаракати орқали эҳтиёжини қондира оладиган даражада бошқаришлари фарз (*фарз кифоя*) ҳисобланади. Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб умумий бандлик ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш ҳолатлари фақат меҳнат қилиш орқали бўлаётганини барча билади. Шунга қарамасдан, имкониятлари чекланганлиги туфайли ўз кучи билан эҳтиёжларини қондириш учун етарлича меҳнат фаолияти олиб бориш имкони бўлмаган инсонлар ҳам бор. Бундай ҳолатлар учун Исломда турли хил стигма ва айбловлардан холи бўлган ижтимоий ёрдам дастурлари тузиб чиқилган. Булар жумласига закот, садақа ва вақф киради. Агар ушбу айтилганлар томонидан ҳам етарлича ресурслар таъминлаб берилмаса, у ҳолатда ҳокимият муаммонинг ечимини топиши лозим.

Қуръон бойликни фақат бойлар орасидагина айланувчи нарса бўлиб қолмаслигини талаб қилади. (59:7) Исломнинг ушбу тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, ўнинчи тамойил, бу бойлик ва даромаднинг тўғри тақсимланиши ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, даромад ва бойликдаги ҳаддан ташқари номутаносиблик ўта камбағал ва ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмайдиганлар аҳволини ёмонлаштиради. Тенгсизликни камайтириш бўйича самарали дастурнинг йўқлиги биродарлик туйғуларини ривожлантириш эмас, балки йўқ қилиши аниқ. Демак, Ислом асосли ресурслар ва ишончли даромад манбала-

ри орқали қашшоқликни бартараф этиш ва инсон эҳтиёжларини қондиришни талаб қилибгина қолмай, ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш асносида садақа, закот ва авқоф (*бирликда вақф*) каби ижтимоий дастурлар орқали ёрдам қўлини чўзишни ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ даромад ва бойликни адолатли тақсимлашда тўғридан-тўғри бу каби хайрияларга таяниш хато бўлган бўлар эди. Бундан ташқари кейинроқ мулк мавзуси остида алоҳида муҳокама қилинажак ривожланишни тезлаштириш ва бутун дунё томонидан самарали дея тан олинган бошқа барча усуллар ҳам шариатга мос келган ҳолда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ва ўн биринчи ажралмас табиий эҳтиёж жамиятда аёл ва эркекнинг ҳаёти давомида никоҳ орқали ҳамроҳ ва шерикка айланишидир.<sup>45</sup> Бундан мақсад фақатгина жинсий эҳтиёжларни қондиришгина бўлиб қолмай, ўзаро ғамхўрлик, меҳр ва муҳаббат орқали бир-бирларига тинчлик ва тасалли бергувчи ҳаёт йўлидаги шерикларига эга бўлиш мақсади ҳам бор. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай дейилган: “Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратилганлиги ва ора-ларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят белгилар бордир”. (Қуръони Карим, 30:21) Оилавий ҳаёт қачонки ҳар икки тараф ҳам бир-бирларининг фаровонликлари ҳақида қайғуриб, ушбу йўлда шахсий манфаатларини қурбон қилишга ҳам тайёр бўладиган олийжаноб феъл-атвор (*хулук ҳасан*)<sup>46</sup> га эга бўлгандагина ушбу мақсадларни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин.<sup>47</sup> Эр ва хотиннинг бир-бирига бўлган бундай меҳрибон ва ғамхўр муносабатлари оилаларнинг барқарор бўлишига олиб келади ва бу нафақат келажак авлоднинг меҳрли ғамхўрлиги ва тарбияси учун, балки жамиятнинг ўзи ривожланиши ва омон қолиши учун ҳам бирдек муҳим омил саналади.

Эр ва хотин ўртасида севги, меҳр ва осойишталик муҳитини яратиш учун Қуръон аёлларга эркекларникига тенг бўлган ҳақ-ҳуқуқлар берган (2:228) ва эркеклардан аёлларга юмшоқ ва

адолатли муносабатда бўлишларини талаб қилган. (4:19) Шунингдек, уларга нисбатан ўз мажбуриятларини илтифот билан бажаришларини талаб қилган. (2:237) Пайғамбаримиз бу ва бошқа Куръон оятларини мустаҳкамлаган ҳолда аёлларни “эркакларнинг опа-сингиллари” деб таърифлаган.<sup>48</sup> Пайғамбаримиз видолашув чоғида айтган ваъзларида аёлларга бўлган муносабатларида Аллоҳдан кўрқишни буюрган, чунки эркаклар аёлларни Аллоҳнинг омонати сифатида қабул қилганлар.<sup>49</sup> Яна бир сафар Набий (с.а.в) эркакларни аёлларнинг заифалигидан фойдаланиб уларнинг ҳуқуқларини суистеъмол қилишдан қайтардилар.<sup>50</sup> Бундан ташқари ўғил фарзандни қиз фарзанддан устун қўйиш орқали уларни камситишни ҳам тақиқладилар.<sup>51</sup> Бундай ва бошқа бир қанча ҳадислар шуни ифода этадики, уларнинг бири иккинчисидан паст мақомда бўлмай, тенг кўрилишлари инсон фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи халифа Умар (23/644) “Исломдан аввалги (*Жоҳилият*) даврида аёллар ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмасдилар, бироқ Ислом келганидан кейин, Худонинг ўзи уларга ғамхўрлик қилишини, уларнинг ҳам бизнинг устимизда ҳақлари борлигини англаб етдик” деб айтиб ўтган.<sup>52</sup> Шу ўринда олийжаноб хулқатвор, эр-хотин орасидаги яхши муносабатлар, ҳар иккала томондан ҳам болаларга кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик инсон шахсиятининг ўн иккинчи эҳтиёжи бўлган оила ва ижтимоий ҳамжиҳатликка олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ўн иккита эҳтиёжнинг барчасининг қондирилиши ўн учинчи эҳтиёж бўлган жиноят ва ўзбошимчаликни камайтириш учун қулай муҳит яратади. Агар ушбу ўн уч эҳтиёж тўлалигича қондирилса, ўн тўртинчи эҳтиёж ҳисобланган руҳий хотиржамлик ва бахтга бўлган эҳтиёж ҳам ўз-ўзидан қондирилади. Бу эҳтиёжларнинг барчаси биргаликда қондирилиши нафақат инсоннинг ўзига, балки ақл-заковати ва авлодларига, янада қулай муҳит яратиш орқали иймонга, уни яхшироқ тушунишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамда бошқа барча секторларда ҳам узоқ вақтли барқарор ривожланишни таъминлайди.

## *Иймон, Зеҳн, Насл ва Мулкнинг бойитилиши*

Шариатнинг барча инсонлар фаровонлигини таъминлашдек олий мақсади инсон нафсини ислоҳот қилишсиз амалга ошмайди. Лекин шу билан бир қаторда, *мақосиднинг* қолган 4 омили бўлмиш – Иймон, Ақл, Насл ва Бойликни ҳам мустаҳкамлаш керак. Буларнинг барчаси биргаликда инсон нафсини ислоҳ қилиши ва бойитишида катта роль ўйнайди. Агар бу тўрт омиль ўзгарувчан шароит таъсирида мустаҳкамланмаса, ҳозирги ва келажак авлодларнинг мақбул фаровонлиги амалга ошмаслиги ва ҳаттоки узоқ муддатли цивилизация хавф остида қолиши мумкин.

### *Иймон (Дин)нинг мустаҳкамланиши (3-жадвал)*

Ўқувчи онгида нега энди секуляризм, либерализм ва материализм, дунёни бошқараётган бугунги кунда нега Иймон Нафсдан кейин энг биринчи навбатда тилга олиняпти, деган савол туғилиши табиий ҳол. Иймон ҳақиқатдан ҳам *мақосиддан* кўзда тутилган муҳимликка эгами? Бироқ, инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат шундаки, агар инсоннинг тараққиёт воситаси билан бир қаторда мақсади ҳам бўлса, унинг ислоҳоти билан бирга фаровонлигига ҳам катта эътибор берилиши керак. Бу инсон шахсининг юқорида кўрсатилган барча маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришни таъминлашга ёрдам берадиган тарзда инсоннинг ўзини ислоҳ қилишни таъминлашнинг энг катта салоҳиятини акс эттирувчи диний дунёқараш ҳисобланади. Бу ҳаётга маъно ва мақсад киритиш орқали амалга оширилади. Инсоннинг барча саъй-ҳаракатларига тўғри йўналиш ва шахсларни ўзгартириш уларнинг хулқ-атвори, турмуш тарзи, диди, афзалликлари ва ўзига, шунингдек, Яратувчисига, бошқа одамларга, ихтиёридаги ресурсларга ва атроф-муҳитга бўлган муносабатини ўзгартириш орқали яхшироқ инсонга айланади. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда “Ўз нафсини поклаган, Роббисини зикр қилган ва ибодат қилган нажот топувчидир”.

(87:14-15; шунингдек, қаранг: 91:9-10) Шунга кўра, барча мусулмон уламолар ҳам инсонни ислоҳ қилиш зарурлигини ва бу ислоҳотда эътиқоднинг катта ўрни борлигини таъкидлайдилар.

Тойнби ва Дюранц ҳам тарихни кенг ўрганганларидан сўнг, ахлоқий юксалиш ва ижтимоий бирдамлик динлар берган ахлоқий санкциясиз мумкин эмас деган тўғри хулосага келишди. Тойнбининг таъкидлашича, “Динлар ўз эргашувчиларида ижтимоий мажбурият ва инсоний биродарлик туйғуларини йўқ қилишдан кўра яхшилайти” ва “Инсоний биродарликда Худонинг оталигини назарда тутати. Агар инсониятнинг илоҳий отаси ҳисобдан четда қолса, ҳеч қандай имконият йўқ деган тескари фикрни илгари суради. Соф инсоний ҳислатларнинг ҳар қандай муқобил алоқасини яратиш инсониятни бирлаштириш учун ўз-ўзидан фойдаланинг”.<sup>53</sup> Уилл ва Ариел Дюрант “Тарих сабоқлари” номли қимматли китобида ҳам “биздан олдин тарихда диннинг ёрдамисиз ҳаётнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан муваффақиятга эришган бирор жамият мавжуд эмаслиги” ҳақида ёзиб қолдирган.<sup>54</sup>

Бундан нега ахлоқий юксалиш ва ижтимоий ҳамжиҳатликни иймон ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди, деган савол туғилади. Ахлоқий юксалишнинг асосий шартларига асосланган иккита сабаби бор бўлиб, улар қуйидагилар: Биринчидан, қадриятлар ёки хулқ-атвор қоидаларининг мавжудлиги, уларнинг тоифали императивларга айланишини кенг ва сўзсиз қабул қилиш, иккинчидан, ушбу қоидаларга ахлоқий мажбурият туйғуси билан риоя қилиш. Ушбу қоидаларни бузган ҳар қандай шахс қаттиқ танқидга олинади. Бу барча томонидан сўзсиз қабул қилинган ва кузатилган қоидаларга қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги яна бир саволни туғдиради. Бундай қоидаларга баъзи секуляристтик замонавий файласуфлар ва сиёсатшунослар томонидан таклиф қилинган “ижтимоий шартнома” орқали эришиш мумкинми? Жавоб битта: барча иштирокчилар ижтимоий, иқтисодий ва интеллектуал жиҳатдан тенг бўлгандагина ижобий бўлиши мумкин, чунки фақат шундагина ҳар бир инсон керакли фикрни юзага чиқаришда тенг куч ва вазнга эга бўлади.

Муҳокама ижтимоий, иқтисодий ва интеллектуал жиҳатдан тенгдир, шунинг учун ҳар бир киши керакли фикрни шакллантиришда тенг вазнга эга бўлади. Бундай тенгликни топишнинг иложи бўлмагани учун, бойлар ва кучлилар қарор қабул қилиш жараёнида ҳукмронлик қилишга мойил бўладилар ва жамиятда ўз қоидаларини барқарорлаштиришга ҳаракат қилишади. Бу ишлаб чиқилган қоидаларни умумэътироф этиш ва уларга риоя қилишни пучга чиқаради. Шу сабабдан ҳам бу вазифани ушбу инсонлар орасидан бўлмаганлигига қарамасдан ҳеч бир тарафга ён босмайдиган, барча инсонларнинг кучли ва заиф томонларини яхши биладиган, барча инсонларни тенг кўрувчи ва уларнинг умумий фаровонлиги учун ғамхўрлик қилган ҳолда, уларга яқин ва узоқ келажак учун мажбурий қилиб қўйилган қоида ва йўл-йўриқларнинг уларга таъсири ҳақида фикр юрита олувчи зот бўлиши керак. Ушбу сифатларнинг барчасини ўзида мужассам этган зот инсон ва коинотнинг яратгувчисидан бошқа яна ким ҳам бўлиши мумкин?

Аллоҳ бу вазифани амалга оширди. Исломиё қарашларга бинонан Аллоҳ, юқорида таъкидланганидек, Пайғамбарлар (Ҳаммаси инсон бўлган), жумладан, Иброҳим а.с, Мусо а.с, Исо а.с ва энг охиргиси Муҳаммад с.а.в орқали инсонларга ўз ҳидоятини жўнатди. Шунингдек, динларнинг асосий дунёқарашини ва қадриятлар тизимида асрлар давомида йўқолмаган ёки бузилмаган даражада давомийлик ва ўхшашлик мавжуд. Инсонлар Худонинг ноиблари сифатида Яратган томонидан берилган қадриятларга содиқлик билан риоя қилиш вазифасини бажарадилар. Бу уларнинг бу дунёда қисқа муддатли муҳожирлари қаторидаги асосий вазифаларидир. Агар улар уларга тақдим этилган неъматлардан унумли фойдаланишса ва бир-бирлари билан ушбу қоидаларга мувофиқ алоқада бўлсалар, нафақат барча одамларнинг фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳитни, шу жумладан, ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларни ҳимоя қилиш имкони ҳам юзага келади. Шадвик таъкидлаганидек, “Ижтимоий ахлоқ муҳокамага ўрин қолдирмайдиган ва мутлақо тўғри дея келишилган стандартларга боғлиқ”

ва “Одамларнинг оз сонли гуруҳлари бундан мустасно бўлган ҳолда, бутун инсоният тарихида диндан ажралган ҳолда ушбу ахлоқларга эришишнинг имкони бўлмаган”.<sup>55</sup> Шу сабабли, Бернард Уилямснинг “Ижтимоий ахлоқ файласуфларнинг кашфиёти эмас” деган фикри ҳам айна ҳақиқатдир.<sup>56</sup>

Бироқ, бизда кенг кўламли қадриятларнинг бор бўлишига қарамасдан, қандай қилиб ушбу қадриятларга барча инсонлар бирдек амал қилишини таъминлаш мумкинлиги ҳақида савол туғилади. Ушбу қадриятларга риоя қилиш барча шахслардан маълум даражада шахсий манфаатларни қурбон қилишни талаб қилади. Қандай қилиб иймон инсонларни ушбу қадриятларга риоя қилиш ва шахсий манфаатларни қурбон қилиш билан боғлиқ барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мажбуриятларини бажаришга ундайди. Иймон асосий эътиборни чекланган бу дунёга эмас, балки чексиз бўлган кейинги ҳаётга қаратишга ҳаракат қилади. Инсонларнинг шахсий манфаатлари бу дунёда худбинлик билан, бошқалар олдидаги вазифаларини адо этмаслик орқали қондирилиши мумкин. Унинг охирагидagi манфаатлари бўлса аксинча, фақатгина ушбу мажбуриятларни амалга ошириш орқалигина қондирилиши мумкин.

Инсонлар ёки маълум бир гуруҳнинг бу дунёдаги манфаатларига зид бўлса ҳам барча бурч ва вазифаларини бажаришга ундайдиган ягона омил шундан иборатки, улар Буюк яратувчи олдида ҳисоб кунида ўзларининг жазоланиши ёки мукофотга эришиши ҳақида қайғурадилар. Инсоннинг қисқа муддатли фаровонлик учун абадий фаровонликдан воз кечиши ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Шахсий манфаатдорликнинг бу ўлчови анъанавий иқтисод томонидан ўзининг дунёвий маърифатпарварлик дунёқарашига киритилганидан кейин эътибордан четда қолди. Шунинг учун ҳам унда инсонларни бошқаларнинг фаровонлиги учун қурбон бўлишга ундовчи тизим йўқ.


Бироқ, агар одамлар улар билан танишмасалар, ҳатто қадриятлар ва мотивация тизимининг мавжудлиги ҳам жуда фойдали бўлмаслиги мумкин. Шу боис Ислому ҳар бир муслмонга нафақат Исломи дунёқараш ва қадриятларда тўғри

асосга эга бўлишни, шунингдек, мавжуд билимлар базаси ва технологияда (Зехн бўлимга қаранг) ҳам етарли билимга эга бўлишни фарз қилади. Бу нафақат уларга яхшироқ мусулмон бўлишга ва уларнинг кадр-қиммати билан оёққа туриш имконини берадиган ишга жойлашиш ва ўз-ўзини иш билан таъминлашга ёрдам беради, шу билан бир қаторда уларга ривожлантириш кўламини кенгайтиришга, камбағалликни йўқотиш, даромад ва бойликни таъминлашдаги тенгликни йўлга қўйишда ҳам кўмакдош бўлади. Агар молиявий тизим ҳам бунга имкон берадиган тарзда ислоҳ қилинса, Исломий молиялаштириш усуллари асосида жамиятнинг кенг доирасига молиялаштириш имкониятини бериш янада кучаяди.<sup>57</sup>

Ислом дини ҳам инсонлар орасида бирдамлик, ўзаро ғамхўрлик ва ҳамкорликни рағбатлантиришни тўғри йўлга қўйиш, оила ва жамиятни мустаҳкамлаш учун қулай муҳит яратишни мақсад қилган. Бундай қулай муҳит бўлмаса, қадриятлар ҳам, уларга бўлган интилиш тизими ҳам ўз кучини йўқотиши мумкин. Жамоат намози, Рамазонда рўза тутиш, закот ва ҳаж, жамиятнинг ҳурмати ва ҳайрати билан бирга ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ва уларни бузганларни менсимаслик (*амр би ал-маъруф ва наҳи ан ал-мункар*) бундай муҳитни яратиш Ислом дастурининг бир қисмидир.

Бундай қулай муҳитнинг мавжудлиги одамларда керакли фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради ва инсонпарварлик ижтимоий мақсадларини амалга оширишга хавф туғдирадиган иллатларни жиловлайди. Масалан, оддий ҳаётни тарғиб қилиш ва исрофгарчилик ҳамда кўзга ташланадиган истеъмолнинг ортиқча миқдорини камайтиришга ёрдам беради. Бу нафақат яшаш учун зарур бўлган умумий эҳтиёжни қондириш учун ресурсларни кўпайтиришга ёрдам беради, балки ижтимоий тотувликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тежаш ва инвестицияларни кучайтириш ва шу билан бир қаторда бандликни ошириш ва иқтисодий ўсишни оширишга ёрдам беради. Микроиқтисодиётда бундай қадриятлар ва муҳитнинг муҳокама қилинмаганлиги у билан макроиқтисодиёт ўртасида бўшлиқни юзага





3-Жадвал

келтирди. Шундай қилиб, макроиқтисодийнинг инсонпарварлик мақсадлари микроиқтисодга мос келмайди. Шахслар, оилалар ва фирмалар инсонпарварлик макроиқтисодий мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган хулқ-атвори, диди ва афзалликларини муҳокама қилмаса, бу мақсадлар қўллаб-қувватланмаса ундан ҳеч қандай наф йўқ.

XVII-XVIII асрлардаги маърифатпарварлик ҳаракати диннинг ғарбдаги ролини дунёвий ва материалистик дунёқараши билан бузишга ҳаракат қилди. Бироқ, бу қисман муваффақиятга эришди, чунки насронийлик қадриятлари аста-секин ҳукмронлик қилишда давом этди лекин борган сари заифлаша бошлади.<sup>58</sup> Тараққиётнинг ноҳўя таъсири сифатида норозиликлар келтириб чиқарди ва диний дунёқараш дунё бўйлаб қайта тарқала бошлади. Нобель мукофоти лауреати Швайце таъкидлаганидек: “Агар ахлоқий асос бўлмаса, табиатнинг энг кучли ижодий ҳаракатлари амалда бўлишига қарамай, цивилизация бошқа йўналишларда ҳам қулаб тушади”.<sup>59</sup> Шунинг учун, унинг сўзларига кўра, “одамларнинг феъл-атворини ахлоқий назорат қилиш табиат устидан назоратдан кўра муҳимроқдир”.<sup>60</sup> Яқинда Гарвард профессори Бенжамин Фридман ҳам сўнгги китобида маънавий ўсиш ва иқтисодий ўсиш ёнма-ён кетиб, бир-бирини мустаҳкамлаши ҳақида баҳс юритган.<sup>61</sup> Ғарб муаллифларидан анча олдин Ғаззолий, Шотибий ва бошқа бир қатор мусулмон олимлари инсон фаровонлигини амалга оширишда диний эътиқодга катта эътибор беришган.

Шу ўринда инсонга эътиқоднинг сингдирилиши унинг эркинлигининг чекланишига олиб келиши тўғрисида савол туғилиши мумкин. Лекин бундай саволларга ўрин йўқ. Инсон ҳар доим танлаш ҳуқуқига эга. Улар ё ўз эътиқодларининг талабларига жавоб беришлари, ёки уларни рад этишлари мумкин. Бу танлаш эркинлиги ҳақида Қуръони Каримнинг бир неча оятларида шундай дейилган: “Роббингиздан ҳақ келди. Ким хоҳласа, унга иймон келтирсин, ким хоҳласа, инкор этсин”. (18:29) Бироқ, улар иймонни рад қилсалар ҳам, тўлиқ эркинликка эриша олмайдилар. Ҳар бир жойда хулқ-атвор қоидалари шаклида

жамият томонидан эркинликка чек қўйилган. Масалан, қизил светофор ҳам шахс эркинлигини чеклайди. Шунга қарамай, ҳеч ким бунга қарши эмас, чунки бу бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам бериш, одамларни зарарлардан қутқариш ва шу билан фаровонликни ошириш орқали *мақосидни* тарғиб қилишини ҳамма билади.

### *Давлатнинг роли*

Фақат иймоннинг ўзигина фаровонликни таъминлаб беролмайди. Инсонларнинг ҳаммаси Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирганликлари сабабли жамиятда ахлоқий талабларга риоя қилади, деб ишониш мантиққа тўғри келмайди. Бундан ташқари, инсон ахлоқий жиҳатдан онгли бўлса ҳам, у ресурслардан фойдаланишдаги ижтимоий устуворликлардан шунчаки беҳабар бўлиши мумкин. Бу кўриниш давлатни бир-бирини тўлдирувчи роль ўйнашга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам Набий алайҳиссалом, “Аллоҳ Қуръон ила қайтаргандан кўра кўпроқ Подшоҳ орқали қайтаради”<sup>62</sup>, деб марҳамат қилганлар. Қуръон кадриятларни белгилаб бериши мумкин, лекин уларни мустақил амалга ошира олмайди. Буни аламга ошириш эса давлатнинг вазифасидир. Халқ фаровонлигини таъминлаш давлат учун ҳам ахлоқий, ҳам қонуний бурч ҳисобланади. Пайғамбаримиз (с.а.в): “Кимгаки бир қавмга бошлиқлик вазифаси берилса-ю, унга ихлос билан ёндашмаса, жаннатнинг ҳидини ҳам тотмайди”<sup>63</sup>, – деб огоҳлантирганлар. Шу маънодаги гаплар классик ва замонавий ёзувчилар асарларида ҳам ўз аксини топган. Шу жумладан, Имом Ҳасан ал-Банна ҳукумат ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг юрагидир, агар ҳукуматга путур етса, жамиятга ҳам путур етади, агар улар ислоҳ қилинса, жамият ҳам ислоҳ бўлади, – деб ёзиб қолдирган.<sup>64</sup>

Бироқ, давлат вазифани шундай бажаришга ҳаракат қилиши керакки, у на тоталитар ва на деспотик бўлмаслиги керак. Шахсий эркинликка қўйилган чекловлар инсонлардаги яратувчилик ва ташаббускорлик ҳислатларига зарар етказиши

мумкин. Бунинг учун бир қатор институтлар, жумладан, шўро (парламент), ҳалол суд тизими орқали давлат устидан самарали назорат ва мувозанатга эга бўлиш, шунингдек, эркин матбуот ва тўғри ишлаб чиқилган қонунлар ва қоидаларга эга бўлиш керак. Булар – тегишли моддий рағбатлантириш ва жамиятнинг маънавий базасини мустаҳкамлаш ва қулай муҳит яратиш учун керакли омиллардир. Шунга қарамадан, инсонларни барқарор ахлоқий тарбия ва ўз фойдалари учун нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини ўргатишга ундашдан қочишнинг иложи йўқ.


Одамларнинг Исломиё қадриятларни ўз ихтиёри билан ҳаётга татбиқ этиш мотивацияси қанчалик кўп бўлса, ижтимоий-иқтисодий, суд ва молия институтлари тўғри асос яратишда шунчалик самарали бўлади ҳамда адолатли ижтимоий-иқтисодий тартибни амалга ошириш учун муҳит яратилса, хулқ-атвор қоидаларини ва керакли ижтимоий мақсадларни амалга оширишда давлатнинг роли шунчалик кам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сиёсий раҳбариятнинг халқ олдидаги жавобгарлиги ва парламент муваффақияти, судлар ва оммавий ахборот воситалари адолатсизликларни, коррупцияни фoш қилиш ва жазолашда сўз эркинлиги қанчалик юқори бўлса, Ислom давлати ўз мажбуриятларини бажаришда шунчалик самарали бўлиши мумкин. Бошқа жамиятларда ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш учун қабул қилинган бир қатор усул ва тизимлар мавжуд, агар ҳақиқатан ҳам бундай усуллар самарали деб топилган бўлса, ҳатто мусулмон мамлакатларида ҳам амал қилиниши мумкин.

#### *Зеҳни бойитиш (Ақл) (4-жадвал)*

Ақл инсоннинг ўзига хос хусусияти бўлиб, шахснинг ўзини, жамиятнинг билим ва технологик базасини яхшилаш учун, шунингдек, инсон тараққиёти ва фаровонлигига ёрдам бериши учун доимий бойитиб бориш керак. Ғаззолийнинг фикрича, “Ақл илмнинг боши, бошланғич нуқтаси ва пойдеворидир.

Илм ундан худди дарахтдан мева, куёшдан нур, кўз орқали кўриш имконияти ҳосил бўлгани каби ҳосил бўлади. Агар шундай бўлса, нега у бу дунёда ҳам охиратда ҳам муваффақият манбаи бўлганлиги учун шарафланмаслиги керак?”<sup>65</sup> Исломий тараққиёт нуқтаи назарини рўёбга чиқаришда иймоннинг ролига алоҳида эътибор қаратилиши ақл-заковат даражасининг пасайишини англатмайди. Бунинг сабаби ваҳий билан ақл бир шахснинг қалби ва зеҳни кабидир ва уларнинг иккаласи ҳам инсон ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар мақсад тўлақонли фаровонликка эришиш бўлса, ҳар иккисидан ҳам воз кечиб бўлмайди.

Ақлни тўғри йўлга йўналтирувчи омил – иймондир. Агар иймон ақлни тўғри йўлга ҳидоят қилмаса, у инсонларни қирғинбарот қилиши ва кенг кўламли вайронгарчилик йўлида фойдаланиладиган қуролга айланиши мумкин. Бироқ, ақл-идрок иймондан ҳидоят талаб қилганидек, иймон ҳам инсониятга хизмат қилиши, ўз динамиклигини сақлаб қолиши, ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий ва интеллектуал муҳитга муваффақиятли жавоб бериши, ресурсларнинг танқислигига қарамасдан ривожланишни тезлаштирадиган тизимларни ишлаб чиқиши ва мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнаши учун ақлдан ҳидоят талаб қилади. Шунинг учун, юқорида айтиб ўтилганидек, иймон ва зеҳн ҳам бир-бирига боғлиқ ва бирдек зарур. Улардан уйғун фойдаланиш ҳалокатга эмас, балки инсоннинг ҳақиқий фаровонлигига ёрдам берадиган билим ва технологияларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Иккаласидан бирига эътибор бермаслик эса, охир-оқибат таъназулга олиб келиши мумкин. Қуръоннинг ўзи ақл ва мушоҳададан фойдаланишни қатъий таъкидлайди. (Қуръон, 3:190-91, 41:53) Бу таъкид тарих давомида кўплаб мусулмон олимларнинг асарларида ўз аксини топди. Масалан, Ибн Таймия Мусулмонларнинг ўз эътиқодлари, ибодатлари ва қадриятларини Қуръон, Суннат ва умматнинг ижмосидан олишига урғу берган ҳолда “Иймон ақлга зид эмас, чунки ақлга аниқ зид бўлган нарса рад этилган (*ботил*)”<sup>66</sup>, деб ёзиб қолдирган.



4-Жадвал

У яна, Куръон ва Суннат сўзларидан иборат бўлиб, баъзан инсонлар бу сўзларни нотўғри тушунишлари ёки талқин қилишлари мумкинлиги ҳақида сўз юритади. Демак, муаммо Куръон ёки Суннатда эмас, балки таржимонларда.<sup>67</sup> Шунингдек, XX асрнинг кўзга кўринган ҳурматли олими ҳамда Файсал мукофоти совриндори Мустафо аз-Зарқо, “*уламолар орасида ислом эътиқоди ва таълимотида ақлга зид бўлган нарса йўқ*”<sup>68</sup>, дея аниқ таъкидлаган.

Бу шуни кўрсатадики, иймон ва ақл бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир-бирини мустаҳкамлайди; улардан *мақосидни* амалга оширишга ёрдам берадиган тарзда фойдаланиш зарур. Ақлнинг фаол иштирокисиз ижтиҳод қилиш, Куръон ва Суннатнинг асл маъно ва моҳиятини англаб етиш ҳамда фикҳий масалаларни ҳал қилиш каби *мақосидга* ўз таъсирини кўрсатувчи амалларни бажариш иложсиз бўлиб қолиши мумкин. *Мақосидга* тўғри келмайдиган ва инсонга зарар етказадиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай талқин ёки ҳукм диққат билан қайта кўриб чиқилиши, тузатилиши ёки тўғридан-тўғри рад этилиши керак. Бу бир қатор кўзга кўринган шариат уламолари томонидан таъкидланган. Имом ал-Ҳарамайн, Абу ал-Маали ал-Жувайний (в. 478/1085) айтдилар: “Кимки Шариатнинг қонун-қоидаларида *мақосиднинг* тутган ўрнини тушунмас экан, шариатни амалга оширишни ҳам тушунмабди”.<sup>69</sup> Шайх Муҳаммад ат-Тоҳир ибн Ашур яна шундай деди: “Усулул фикҳдаги кўп масалалар (Ислом ҳуқуқшунослиги асослари) шариатнинг мақсадлари йўлида хизмат қилишдан кўра Қонун чиқарган Зотнинг сўзларидан ҳукм чиқариш билан чегараланган<sup>70</sup>. Бунинг аянчли натижаси шундаки, “*Улум-ад-дин* (диний илмлар)нинг кўпчилиги, жумладан, *усул ал-фикҳ* ҳам олдинги даврлардаги ҳақиқий моҳиятини йўқотди. Бу моҳиятнинг тикланиши диний билимларнинг қайта тикланиш учун энг муҳим шартдирс.<sup>71</sup>

*Мақосид* урғуни фақат матнларни талқин қилувчи ҳарфга эмас балки Ислом таълимотларининг ёркинлиги, фикрлардаги тафовутларни, шунингдек, ҳукмрон бўлган зиддиятларни, фанатизмни, муросасизликни ва ташқи кўринишга ортиқча

урғу беришни камайтириш ҳамда ҳақиқий Ислом таълимоти жилосини қайта тиклашга ҳам бериши керак. Бирок, ақл ва тақвонинг бундай бир-бирини тўлдирувчи ва уйғун ролини му- сулмон мамлакатларида замонавий фанларни ўқитишни ўзида мужассам этган таълим тизимини яратмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Чунки айнан шу тизим диний илмлар билан шуғулланади ва Ислом динамизминини тиклаш ва унга қар- ши туришга имкон бериш учун талабаларни *мақосид* нуқтаи назаридан оқилона фикрлаш, замонавий ҳаёт муаммоларини таҳлил қилиш ва талқин қилишга ўргатади.

Инсониятни ислоҳ қилиш ва ижтимоий-иқтисодий юк- салтиришга йўналтирилган қарашлар таълимга катта эъти- бор қаратиши табиий ҳол. Аллоҳнинг Пайғамбаримиз (с.а.в) га Қуръонни “Яратган Роббинг номи билан ўқи... Ва инсонга билмаганларини қалам орқали ўргатди” (Қуръон, 96:1-5) оят- ларидан бишлаб нозил қилганини ҳам ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Ва Пайғамбаримиз(с.а.в) ҳам илм олишни ҳар бир аёлу эркакка фарз эканлигини таъкидлаган ҳолда илмли инсонни юлдузлар ўртасидаги ойга таққослаганлар.<sup>72</sup> Диний ва дунёвий таълимнинг уйғунлигигина инсонга ахлоқий меъёрларга тўғри келувчи (*ҳалол*) йўл билан ҳаёт кечиришлари, ўз жамияти қа- дрини билиш, малакасини ошириш учун муносиб замин яра- тиш орқали илм-фан ва технологиянинг ривижланиши ҳамда *мақосидни* тушуниб етиш имконини беради. Қуръон, Суннат каби фикҳ адабиёти ҳам илм олишга алоҳида урғу берган. XX асрнинг таниқли ҳуқуқшуносларидан бири ҳисобланган Абу Заҳро шундай дейди: “Инсонлар жамиятга зарар эмас, фойда келтирувчи бўлишлари, бунинг учун эса, албатта, инсонларга таълим берилиши керак”.<sup>73</sup>

Бирок, Мусулмон оламининг маънавий ва моддий, шу би- лан биргаликда технологик жиҳатларида таълим салоҳиятини ошириш учун аввало таълим ҳамда олиб борилаётган излани- шлар сифатини яхшилаш керак. Етарлича тадқиқот юритиш ва изланиш учун жиҳозлар ва кутубхоналар етишмаслиги, ижодий ишларнинг ҳақли тақдирланмаслиги, мансабга қобилият эмас,



таниш-билиш орқали эришиш каби одатлар сақланиб қолар экан, жамиятдаги фаровонлик ва маънавий-маърифий юксалиш орзуси орзулигича қолиб кетаверади. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сифатли таълимнинг рағбатлантирилмаслигига асосий сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, таълим, тадқиқот ва технологик тараққиёт ривожланиш учун муҳим деб ҳисобланар экан, коррупцияни озайтириш ва унинг ресурсларини имкони борича сиқиб чиқариш керак. (4-расм)

### *Авлодларни бойитиш (Насл) (5-расм)*

Ҳеч қандай цивилизация руҳий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан заиф бўлган жамиятда ривожлана олмайди ҳамда дуч келувчи синовлардан муваффақиятли ўта олмайди. Шунинг учун келажак авлодда ҳар доим бир неча омилларга асосланган ривожланиш ва ўсиш бўлиши керак. Шулардан бири болаларни уларга мос равишда тўғри тарбия қилишдир. Уларни муносиб мусулмон сифатида тарбиялаш учун Ислом ҳар бир мусулмондан талаб қиливчи феъл-атворнинг барча олийжаноб ҳислатлари (*Хулқ Ҳасан*)ни мужассам этиш лозим саналади. Улар болалигиданоқ ҳалол, ростгўй, виждонли, бағри кенг бўлишни, ҳамма ишни ўз вақтида бажаришни, меҳнатсевар, тежамкор, хушмуомала, ота-оналар ва ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат, ўз қўл остидагилар, камбағаллар олдидаги барча мажбуриятларини бажаришга тайёр ва бошқалар билан тинч йўл билан тил топиша олишни ўрганишлари керак.

Оила ахлоқий тарбиянинг биринчи мактаби ҳисобланиб, агар бу мактабда болага олийжаноб феъл-атворлар (*Хулқ Ҳасан*) етарлича сингдирилмаса, Исломий жиҳатдан бу бўшлиқни кейинчалик тўлдириш қийин, деб қаралади.

Бироқ, агар ота-онанинг феъл-атвори Ислом таълимоти ёрқинлигини акс эттира олмаса, бу оила ушбу масъулиятли вазифани тўлалигича, қониқарли бажара олмайди. Бундай ҳолда, улар ўз фарзандларига ўрнатилган бўла олмайдилар ва уларга

тарбияли ва вақтдан унумли фойдалана олувчи инсон бўлиб улғайишлари учун зарур бўлган тарбия ва ғамхўрликни етказиб бера олмайдилар. Бундан ташқари, Қуръонда таъкидланганидек (39:21), оилада севги, меҳр ва осойишталик муҳити бўлиши керак. Бундай муҳит ота-оналар бир-бирлари олдидаги мажбуриятларини виждонан ва дўстона бажарсаларгина ҳукм суради. Болалар учун ота-онанинг доимий жанжаллашувидан кўра ёмонроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Бу каби жанжаллар охир-оқибат ажрашувга сабаб бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида боланинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.<sup>74</sup> Шунинг сабабли Ислом ажрашишга рухсат берган бўлса-да, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Аллоҳ рухсат берган барча нарсалар ичида энг мақул кўрилмайдигани талоқдир”,<sup>75</sup> шунингдек, “Уйланинглар, лекин талоқ қилманглар, чунки у Аршнинг титрашига олиб келади”,<sup>76</sup> Шунинг учун, фарзандлар фаровонлигини таъминлаш учун имкон қадар келишмовчилик ва ажралишлардан қочиш ва агар бу муқаррар бўлиб қолса, болаларни унинг салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш учун ҳамма чоралар кўрилиши керак.

Оила яхлитлиги ва тўғри тарбия беришдан ташқари, авлодни бойитиш учун зарур бўлган иккинчи омил – уларга тўғри таълим беришдир. Бу уларнинг оёққа туришлари ва маънавий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, ўз жамиятларининг интеллектуал ва технологик ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишда катта роль ўйнайди. Бунинг учун юқори сифатли мактабларга, коллеж ва университетларга эга бўлиш керак. Мусулмонлар яшаётган бу ҳудуд мусулмонларнинг бир неча аср давомида мақтовга сазовор бўлиб келди, бироқ, сўнгги бир неча асрларда муваффақиятсизликка учради. Шу боис, таълимга муносиб бўлган устунлик ва керакли бўлган манбалар берилмаса, мусулмон мамлакатлар тараққиётни тезлаштира олмаслиги ва улар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ижобий ҳал қила олмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам деворларга жасорат билан “*таълим*”, “*таълим*” ва “*таълим*” деб ёзилган.

Бирок, таълим бепул ёки арзон нархларда тақдим этилмаса, унга бўлган хоҳишнинг ортиши ва тарқалиши осон кечмайди. Агар таълим бепул ёки арзон бўлмаса, фақатгина бой ва зодагонларнинг фарзандларигина таълим олиш имконига эга чиқади. Бу устунликни кучайтиради ва даромад ҳамда бойликнинг тенгсизлиги ва ўз навбатида, ижтимоий кескинлик ва беқарорликни кучайтиради. Ресурсларнинг этишмаслиги заиф баҳона ҳисобланади, чунки таълимнинг ривожланишдаги ҳал қилувчи аҳамияти, ҳатто бу бошқа тармоқлардан ресурсларни йўналтиришни талаб қилса ҳам, унга юқори даражада устунлик беришни талаб қилади.



5-жадвал

Авлодларни бойитишнинг ажралмас бўлган яна иккита омили мавжуд. Улардан бири уларнинг барча эҳтиёжларини қондириш ва бу ўз ўрнида соғлиқни сақлаш тизимини ҳам ўз ичига олади, шунинг учун улар жисмонан ва рухий жиҳатдан соғлом ва жамиятда ўз ролларини самарали амалга оширишга қодир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кучли мусулмон Аллоҳ ҳузурида заифдан афзалроқ ва севимлироқдир”,<sup>77</sup> дедилар. Агар болаларнинг тўғри овқатланиши, тозалиги ва соғлигига етарлича аҳамият берилмаса, улар яхши таълим ва тарбия олган тақдирларида ҳам, жамиятда ўз ўрнини топиб унга фойда келтира оладиган инсон бўлиб етишишлари қийин кечади.


Авлодларни бойитиш учун зарур бўлган яна бир омил – қўрқув, низо ва ишончсизликдан халос бўлиш, шунингдек, ҳозирги авлоднинг кундалик эҳтиёжлар учун қарз олиши натижасида юзага келадиган қарзга хизмат кўрсатиш ҳолатидир. Қўрқув, низо ва ишончсизлик бағрикенглик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини ўзлаштириш орқали бартараф этилиши мумкин. Шунингдек, одамлар ўртасида яхшироқ тушунишни ривожлантириш ва барча безовта қилувчи омилларни йўқ қилиш учун этарли ресурсларни ажратиш керак.

Қарзга хизмат кўрсатиш муаммосини ҳам иккита муҳим ўлчам ёрдамида қисқартириш мумкин. Улардан бири ўз имконияти чегараларидан ташқарида яшашга ҳаракат қилувчи ҳаёт тарзини ўзгартиришдир. Бу нафақат хусусий сектор қарзларини камайтиришга, балки ёшлар учун иш ўринлари сонини кўпайтиришга ҳам ёрдам беради. Бундан ташқари, зарур бўлган яна бир чора – қарзга хизмат кўрсатиш муаммосининг ошишига олиб келадиган тақчилликни камайтириш учун давлат бюджетида интизомни кучайтиришдир. Ва бу ўз ўрнида *мақосидни* англаб етиш йўлида хизмат қилувчи ресурсларнинг юзага келишига ҳам катта ҳисса қўшади.

## *Бойликни ривожлантириши ва кенгайтириши (6-расм)*

Бойлик Ғаззолий ва Шатибий тамойилларида бирдек – энг охирида тилга олинган. Бу, албатта, бойликни бошқа эҳтиёжларга нисбатан камроқ аҳамият касб этади, деган маъно англатмайди. Бойлик ҳам қолган тўртта асосий *мақосид* каби муҳим, чунки усиз қолган тўрттаси ҳам фаровонликни таъминлашда керакли турткини ололмаслиги мумкин. Зоҳидлик ва ўз-ўзини рад этиш Қуръон ва Суннат томонидан маъқулланмаганлигининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Қуръони Каримда: “Ва улар ўйлаб топган роҳибликни ҳам биз уларга фарз қилмаганмиз” (57:27), деб марҳамат қилинган. Бу, эҳтимол, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Аллоҳдан кўрққан (яъни, ёмонликдан сақланса) одам учун бойликнинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ”<sup>78</sup> ва “Кимки ўз молини ҳимоя қилиб ўлган бўлса, шаҳиддир”,<sup>79</sup> деб айтишларига сабаб бўлгандир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бойлик (мол) ҳуқуқшунос ва Қуръон шарҳловчиси Фахриддин ар-Розийнинг беш *мақосид* амрида инсоннинг нафсидан кейинги ўринга қўйилгандир.<sup>80</sup>

Бирок, бойлик Худонинг омонати бўлиб, камбағалликни баргараф этиш, барчанинг эҳтиёжларини қондириш, ҳаётни ҳамма учун имкон қадар қулай қилиш, даромад ва бойликни адолатли тақсимлаш учун ишлаб чиқилиши ҳамда ҳалол ва виждонан ишлатилиши керак. Бойликка эришиш ҳам, ундан фойдаланиш ҳам, биринчи навбатда, *мақосидни* амалга ошириш мақсадида бўлиши керак. Бу ўринда иймон ўз қадриятлари ва мотивацион тизими орқали ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иймон келтирган қадриятларсиз, бойлик ўз-ўзидан мақсад бўлиб қолади. Бу виждонсизликни тарғиб этади ва тенгсизлик, номутаносибликни ҳаддан ташқари кўтарилишни кучайтиради, охир-оқибат бу ҳозирги ва келажак авлоднинг аксарият аъзоларининг фаровонлигини пасайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Динор, дирҳам ва баҳмалнинг қули бадбахтдир”,<sup>81</sup> дедилар. Демак, иймон ҳам,



Жадвал 6

бойлик ҳам инсон фаровонлиги учун ниҳоятда зарурдир. Ҳар иккисидан ҳам воз кечиш имкони йўқ. Инсонларга бойлик ўз нафслари, яқинлари ва атроф-муҳит олдидаги мажбуриятлари билан бир қаторда, Аллоҳ олдидаги фарзларини адо этишлари учун зарур бўлган ресурсларни таъминловчи бўлса-да, иймон унга интизом ва маъно киритишга, бойликни топиш ва сарфлаш ва шу орқали унинг ўз мақсадига янада самарали хизмат қилишига имкон беради.<sup>82</sup> Исломда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган мақсадлардан бири ҳисобланган даромад ҳамда бойликдаги тенгсизликни бартараф этишда бойликнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу масалада закот, садақа ва вақфни қайта тақсимлашга суяниш тўғри бўлмаслиги мумкин. Буларнинг барчаси рад этиб бўлмас тамоийллар бўлишига қарамасдан, давлат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам муҳим вазифа сифатида қараш керак. Қуръонда аниқ таъкидланганидек (47:37), пулдорлар учун солиқ миқдорини жуда кўп миқдорда ошириш уларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин.<sup>83</sup> Кроссланд наشري социаллик ҳақида шундай дейди: “Ҳар қандай ўзгариш аҳолининг яхши таъминланган қатламига ҳам салбий таъсир ўтказди ... ва уларни хавотирга солади”.<sup>84</sup> Мусулмон мамлакатлари тажрибаси ҳам, агар қайта тақсимлаш усулларига ҳаддан ташқари суянса, ахлоқий ўзгаришлар содир бўлган тақдирда ҳам сезиларли даражада фарқ қилмаслиги мумкин. Шунинг учун мусулмонлар иқтисодий ривожланишнинг қашшоқлик ва тенгсизликларни камайитиришдаги ролини эътиборсиз қолдиrolмайдилар. Бу таълим, технологик тараққиёт, машаққатли ва виждонли меҳнат, аниқлик, самарадорлик, изланиш, тартиблилик, жамоавий иш, тежамкорлик ва Исломда алоҳида таъкидлаган, аммо бошқа бир қатор шахсий ва ижтимоий характерли хусусиятлар фойдасига маданий ўзгаришлар орқали инсон ресурсларини кучайтиришни талаб қилади. Ҳозирда мусулмон жамиятларида улар заиф бўлиб, мактаб ва мадрасаларнинг ўқув дастурларида, шунингдек, масжидлардаги дин арбобларининг ваъзларида ҳам етарлича эътибор берилмаган. Инсон ресурсларини оширишдан ташқари, жадал


